

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р Тадбирлар	Ижро механизми	Ижро муддати	Масъуллар
I. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари бўйича			
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февралдаги Қарорида белгиланган вазифаларни бажарилиши юзасидан ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳар бир шаҳар, туманда Назорат режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	3 кун	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
	1. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Назорат режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Доимий	
	2. Назорат режада белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш.	Ҳар чоракда	
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 6 февралдаги Қарорида белгиланган вазифаларни бажарилишини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ҳамда белгиланган вазифалар ижросига масъул шахсларнинг жавобгарлигини ошириш.	Доимий	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
	1. Ёшларга доир масалаларни ҳокимликларнинг ҳар аппарат йиғилишлари кун тартибиде алоҳида масала сифатида муҳокама қилиш.	Доимий	
3.	“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман (шаҳар) Кенгашлари ходимлари ҳамда бошланғич ташкилотлари етакчиларининг малакасини ошириш. Салоҳиятли ва истиқболли ёш кадрлар захирасини шакллантириш.	Йил давомида	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, “Камолот” ЁИҲ шаҳар, туман Васийлик Кенгашлари
	2. Камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш.	Доимий	
	1. Малака ошириш курсларини ташкил этиш.		
	2. Раҳбар лавозимларга кадрлар захирасини шакллантиришда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг малакали ходимларини инobatга олиш.		

	1. Мазкур қарорга асосан “Камолот” ЁИХ тизимлари ҳамда микрофирма ва кичик бизнес корхоналари ўртасида шартномалар имзоланиши ҳолатини инвентаризация қилиш.	Апрель	
4.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги 240-сон қарори ижросини тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш.	Май	Солиқ бошқармаси, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, “Камолот” ЁИХ Васийлик Кенгашлари
	2. Инвентаризация натижаларини тегишли Давлат солиқ идоралари ҳамда микрофирма ва кичик бизнес корхоналари ходимлари иштирокида муҳокама қилиш.	Йил давомида	
	3. Тегишли Давлат солиқ идоралари томонидан Ҳаракат бўлимлари ва бизнес субъектлари ўртасида тузилган ўзаро қўллаб-қувватлаш шартномаларининг ижросини мониторинг қилиб бориш.	Доимий	
	4. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маблағ тушириш режасининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш.		

II. Умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим тизимида таълим сифати ва ўқув жараёнларини ташкил этиш бўйича

5.	Соҳада яратилган шароитлар ва амалга оширилаётган ишларнинг аҳволини ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида такрорланишининг олдини олиш чораларини кўриш.	3 кун	Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси
	1. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан Назорат режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.		
	2. Назорат режада белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш.	Доимий	
	3. Мониторинг натижаларини вазирлик ва бошқарманинг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилишларида муҳокама қилиш.	Ҳар чоракда	
6.	Умумтаълим мактабларининг малакали педагог кадрлар, замонавий ўқув лаборатория синфлари ва воситалари билан таъминланганлик даражасини инвентаризациядан ўтказиш.	Апрель	Халқ таълими вазирлиги
	2. Мактаб ўқувчиларининг давомати даражасини мунтазам мониторинг қилиб бориш.		
	3. Мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича билим даражасини ҳар бир мактаб кесимида баҳолаш тизимини йўлга қўйиш ва мактаблар рейтингини ишлаб чиқиш. Рейтинг натижалари паст бўлган мактаблардаги аҳволни ўрганиш ва яхшилаш бўйича зарур чораларни амалга ошириш.	Ўқув йили давомида Ўқув йили давомида	

7.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини зарур ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, техник воситалар билан таъминланганлик, ўқувчиларнинг билим олиш ва касб-хунар эгаллаш даражасини ошириш чораларини кўриш.	1. Барча коллежларнинг зарур ўқув-лаборатория синфлари, асбоб-ускуналари, техник воситалар билан таъминланганлик даражасини инвентаризациядан ўтказиш. 2. Коллеж ўқувчиларининг давомати даражасини мунтазам мониторинг қилиб бориш ва натижаларини ҳар ойда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокама қилиб бориш. 3. Коллеж битирувчиларининг ўз эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш чораларини кўриш.	Март Ўқув йили давомида Доимий	Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси
8.	Ёшларнинг мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш, мавжуд ахборот-ресурс марказлари базасини кучайтириш чораларини кўриш.	4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги тўғараклар фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш чораларини кўриш. 1. Ўқувчи ва талабаларнинг зарур дарсликлар, адабиётлар, маъруза матнлари билан таъминланганлик даражасини ўрганиш ва яхшилаш чораларини кўриш. 2. Таълим муассасаларининг АРМ базасини танқидий таҳлил қилиш ҳамда яхшилаш чораларини белгилаш.	Ўқув йили давомида Март-апрель Апрель	Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим муассасалари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси

III. Ёшларнинг маънавий-ижтимоий фаоллигини таъминлаш бўйича

9.	Ёшларнинг маънавий-ижтимоий фаоллигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида такрорланишини олдини олиш чораларини кўриш.	1. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Назорат режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Назорат режада белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш. 3. Мониторинг натижаларини "ҳокимлик соатлари"да муҳокама қилиб бориш.	3 кун Доимий Ҳар ойда	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар
10.	Ёшлар дунёқарашини бунёдкор ғоялар билан бойитиш, уларда ватанпарварлик ва фидойилик фазилатларини, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш юзасидан амалий чоралар кўриш.	1. Ёшлар дунёқарашини шакллантириш бўйича жойларда қабул қилинган дастур ва режаларни танқидий таҳлил қилиш асосида уларга зарур тузатишлар киритиш ва қайта тасдиқлаш. 2. Тасдиқланган дастур ва режалар ижросини мониторинг қилиб бориш. 3. Мониторинг натижаларини "ҳокимлик соатлари"да муҳокама қилиб бориш.	Апрель Йил давомида Ҳар ойда	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, "Камолот" ЁИХ ҚР Кенгаши
11.	Ёшлар кундалик ҳаёти давомида дуч келаётган муаммолар (хусусан, ишсизлик, чет элларга бориб ишлаш, имтиёзли кредит олиш, диний экстремизм, ҳужралар фаолиятини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш).	1. Ёшлар дуч келаётган муаммолар ва уларни қийнаётган масалаларни аниқлаш мақсадида ижтимоий сўровлар ўтказиш, "Ҳоким ва ёшлар" учрашувларини ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш. 2. Сўров ҳамда учрашув якунлари бўйича аниқланган камчиликларни "ҳокимлик соатлари"да муҳокама қилиш ва бартараф этиш юзасидан зарур чоралар белгилаш. 3. Белгиланган чоралар ижросини мунтазам мониторинг қилиб бориш ва камчиликка йўл қўйган масъулларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш.	10 кун Ҳар чорак Доимий	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар

IV. Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва иш билан таъминлаш бўйича

12.	Ёшларни ишга жойлаштиришни ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва такрорланишини олдини олиш чораларини кўриш.	1. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан Назорат режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Назорат режада белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш. 3. Мониторинг натижаларини "ҳокимлик соатлари"да муҳокама қилиб бориш.	3 кун Доимий Ҳар ойда	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар
13.	Ёшларнинг норасмий равишда чет давлатларга ишлаш учун чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олиш.	1. Ишчи гуруҳини шакллантириш, зарурий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ҳар бир фуқаролар йиғини кесимида норасмий равишда чет давлатларга чиқиб кетган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш. 3. Ҳар бир ҳолат юзасидан аниқ манзилли чора-тадбирни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 4. Амалга оширилган ишлар ижросини "ҳокимлик соатлари"да муҳокама қилиб бориш.	Апрель Апрель Апрель Доимий	Меҳнат вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, "Камолот" ЁИХ ҚР Кенгаши, "Маҳалла" фонди ҚР бўлими, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
V. Ёшларнинг маданий дам олиши ва спорт билан шуғулланишлари учун яратиладиган шарт-шароитлар бўйича				
14.	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ёшларни туман (шаҳар)лардаги маданий дам олиш объектларига жалб этилиш, у ердаги шарт-шароитларни яхшилаш борасида ҳаракат режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	1. Ўрганиш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш. 2. Маълумотлар базасини шакллантириш. 3. Босқичма босқич ижросини таъминлаш.	Апрель	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
15.	Чимбой ва Шуманай туманларида ёшларни маданият муассасаларига жалб этиш 10-15% дан ошмаётганлиги бўйича чора-тадбирлар белгилаш.	1. Ишчи гуруҳи тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Ҳолат бўйича мониторинг ишларини ташкил этиш. 3. Энг самарали тадбирларни амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш.	Апрель Йил давомида	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
16.	Мустақиллик йилларида спорт турлари бўйича Олимпия, Осиё ва Жаҳон ареналарида юксак натижаларга эришган спортчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва мастер-классларни жойларда ўтказишни тизимли йўлга қўйиш.	1. Ишчи гуруҳи тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Учрашувларнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш. 3. Энг сара учрашувларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.	Апрель Май Йил давомида	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
VI. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга ошириладиган ишлар бўйича				
17.	Жойларда тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш ҳамда эрта никоҳ, эрта туғруқ, ёш оилалар ўртасидаги ажримларнинг олдини олиш чораларини кўриш.	1. Ҳолатни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ўрганиш натижалари асосида тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Чора-тадбирлар ижросини мониторинг қилиб бориш.	Апрель Май Йил давомида	Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҚР бўлими, "Камолот" ЁИХ ҚР Кенгаши
18.	Ёш оилаларни ўй-жой билан таъминлаш, уларга имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитларини бериш тизимини янада соддалаштириш.	1. Шаҳар, туманлар бўйича мурожаат этганлар сонини аниқлаш ва эҳтиёжни ўрганиш. 2. Соддалаштириш бўйича меъёрий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Апрель Йил давомида	Марказий банк ҚР Бош бошқармаси, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
19.	17 ёшгача турмуш қурганлар ва 17 ёшгача фарзанд кўрган ёш аёллар билан ишлаш тизимини кўриб чиқиш ва самарадорлигини ошириш бўйича Назорат режа ишлаб чиқиш ва чора-тадбирлар белгилаш.	1. Назорат режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Назорат режада белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш. 3. Мониторинг натижаларини шаҳар, туман ҳокимликларининг йиғилишларида муҳокама қилиш.	10 апрель 20 апрель Йил давомида	Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҚР бўлими, "Камолот" ЁИХ ҚР Кенгаши
VII. Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича				
20.	Ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишларни ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва такрорланишини олдини олиш чораларини кўриш.	1. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Назорат режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Назорат режада белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш. 3. Мониторинг натижаларини Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг сессияларида муҳокама қилиш.	3 кун Доимий Ҳар чоракда	Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар

21. Ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолати бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш.	1. Ҳолатни ўрганиш бўйича маълумотлар базасини шакллантириш. 2. Босқичма босқич ижросини таъминлаш.	3 кун Доимий	Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҚР бўлими, "Камолот" ЁИХ ҚР Кенгаши, таълим муассасалари
22. Одам савдоси қурбонига айланган ёшлар билан боғлиқ тарғибот ишларини янада кучайтириш.	1. Ўрганиш юзасидан Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Маъруза матнлари, тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари тайёрлаш. Тарғибот гуруҳларини шакллантириш ва улар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш, тарғибот материаллари билан таъминлаш.	3 кун Доимий Ҳар чоракда	Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҚР бўлими, "Камолот" ЁИХ ҚР Кенгаши, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари
23. Беҳаёлик, зўравонликни тарғиб этувчи расмлар, видео лавҳалар ва дискларнинг сотилишини олдини олиш бўйича тарғибот тадбирларини ташкил этиш.	1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. 2. Ҳар бир ҳудудда мутасадди ташкилот вакилларида иборат мониторинг гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш. 3. Барча ҳудудларда мазкур масалалар юзасидан мониторинг ўтказиш. 4. Аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш, профилактик чоралар кўриш ҳамда телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш.	3 кун Доимий Ҳар чоракда	Ички ишлар вазирлиги, Солиқ бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҚР бўлими, "Камолот" ЁИХ ҚР Кенгаши, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари, таълим муассасалари

Ko'rib chiqildi:



- [Vazirlar Kengashi](#)
- [Statistik va tahliliy ma'lumotlar](#)
- [Vazirliklar va idoralar](#)
- [Shahar va tuman hokimliklari](#)
- [Hujjatlar](#)
- [Respublika mehmonlariga](#)
- [Elektron hukumat](#)
- [Interaktiv davlat xizmatlar](#)